

УЎК: 633.111

УРУҒ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ КУЗГИ ТРИТИКАЛЕ НАВЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ҚУРУҚ МАССА ТЎПЛАШИГА ТАЪСИРИ

И.И.Абдуллаев

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, қ.х.ф.ф.д., доцент.

Пирова Мехрибон Курбондурдиевна

Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. *Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида тритикаленинг маҳаллий “Фарход” ва хорижий “Норман” навлари уруғларини турли муддатларда ва меъёрларда экиб етиштиришни ўсув даврининг давомийлигига таъсири ўрганилди. Олинган натижаларнинг кўрсатишича, уруғ экиш меъёрларининг ортиб бориши ўсимликларда ўсув даврининг давомийлигини экиш муддатларига боғлиқ ҳолда 3 кундан 10 кунгача чўзилишига олиб келиши аниқланди.*

Калит сўзлар: *Ўтлоқи аллювиал тупроқ, кузги тритикале навлари, уруғ, экиш муддати, экиш меъёри, биологик қуруқ масса.*

Аннотация. *В условиях аллювиальных почв Хорезмской области изучено влияние посадки семян местного сорта «Фарход» и зарубежного сорта тритикале «Норман» на продолжительность вегетационного периода. По полученным результатам определено, что увеличение нормы высева позволит увеличить продолжительность вегетационного периода у растений от 3 до 10 дней в зависимости от срока посева.*

Ключевые слова: *Луговая аллювиальная почва, осенние сорта тритикале, семена, сроки посева, норма посева, биологическая сухая масса.*

Annotation. *The effect of planting seeds of local "Farkhod" and foreign "Norman" varieties of triticale on the duration of the growing season was studied in conditions of alluvial soils of Khorezm region. According to the obtained results, it was determined that the increase in the seeding rate will increase the length of the growing season in plants from 3 to 10 days, depending on the sowing period.*

Key words: *Meadow alluvial soil, autumn triticale varieties, seed, planting time, planting rate, biological dry mass.*

КИРИШ

Тритикале (*Triticum* - буғдой, *Secale* - жавдар) буғдой ва жавдар дурагайи бўлиб, икки хил ўсимлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ғалла экини ҳисобланади. Айниқса бу ўсимлик чорвачиликни ривожлантиришда ҳамда озуқа базасини шакллантириш ва мустахкамлашда жуда қимматли экин ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил, 18-мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-42-43-сонли қарорида чорва озуқа базасини мустахкамлашда кўплаб озуқа

экинлари каби тритикаленинг уруғчилигини ташкил этиш ва экин майдонларини босқичма-босқич кенгайтириб бориш бўйича вазифалар белгиланган.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда 2021-2023 йиллари Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида тритикаленинг “Фарход” ҳамда “Норман” навларидан юқори дон ҳосилдорлигига экиришда муддатлар кесимида мақбул уруғ экиш меъёрларини ўрганиш бўйича тадқиқотларимизни олиб бордик.

ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ

Илмий–тадқиқот ишлари 2020-2023 йилларда Урганч давлат Университетига қарашли тажриба хўжалигининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида олиб борилиб, тажрибада кузги тритикаленинг маҳаллий “Фарход” ҳамда хорижий “Норман” навларини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

Тажриба 18 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 70 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 280 м², ҳисобга олинган майдон 140 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 1,6 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:ғалла) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кузги тритикаленинг Давлат ресстрига киритилган ва Хоразм вилояти учун экишга тавсия этилган “Фарход” ва “Норман” навлари экилди.

1-жадвал
Тажриба тизими

№	Кузги тритикале нави	Уруғ экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёрлари, млн дона/га
1	Фарход	15-сентябр	4,0
2			5,0
3			6,0
4		1-октябр	4,0
5			5,0
6			6,0
7		15-октябр	4,0
8			5,0
9			6,0
0	Норман	15-сентябр	4,0
1			5,0
2			6,0

3	1	1-октябр	4,0
4	1		5,0
5	1		6,0
16		15-октябр	4,0
17			5,0
8	1		6,0

Тажрибада кузги тритикаленинг “Фарход” ва “Норман” навлари уруғларини уч хил экиш (15-сентябр, 1-октябр, 15-октябр) муддатларида уч хил (4,0 млн/га, 5,0 млн/га, 6,0 млн/га) экиш меъёрларида экиб ўрганилди.

Кузги тритикалени озиклантиришда, азотли ўғитлардан корбомид (46%), аммиакли селитра (N–34%), фосфорли ўғитлардан суперфосфат (P₂O₅–20%), калийли ўғитлардан калий тузи (K₂O–40%) ишлатилди. Тажрибада фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100% миқдори кузда, шудгор остига қўлланилди. Азотли ўғитлар иккига бўлиб, 1-озиклантириш туплаш даврида, 2-озиклантириш найчалаш даврида қўлланилди.

ТАДҚИҚОТДАН ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР МУХОКАМАСИ

Қишлоқ хўжалиги экинларининг биологик қуруқ масса тўплаши ўз навбатида экиш муддатларига, кўчат қалинликларига, минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларига ҳамда суғориш тадбирларини ўз вақтида амалга оширилганлик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши кўплаб олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларда ўз исботини топган.

Биз ҳам 2021-2024 йилларда олиб борган тадқиқотларимизда кузги тритикаленинг “Фарход” ҳамда “Норман” навларида биологик қуруқ масса тўпланишига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини таъсирини аниқлаш мақсадида ривожланиш фазалари кесимида ҳар бир вариант ва қайтариқларнинг уч нуқтасидан 10 донадан ўсимлик олиниб, уларни қисмларга ажратган ҳолда қуруқ масса тўплаш зажаллиги ўрганиб борилди.


Олинган натижаларнинг кўрсатишича, ҳар икки навларда ҳам бир хил қонуниятлар кузатишган ҳолда уруғ экиш муддатлари ва кўчат қалинликлари биологик қуруқ масса тўплаш жараёнларига таъсири сезиларли бўлганлиги қайд этилди.

Жумладан, кузги тритикаленинг “Фарход” нави уруғлари 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ экилган 1-вариантда парвариш қилинган кўчатларнинг биологик қуруқ масса тўплаши ривожланиш фазалари кесимида таҳлил қилинганида, майсалаш фазасида 5,06 ц/га, тупланиш фазасида 16,29 ц/га, найчалаш фазасида 37,61 ц/га, бошоқлаш фазасида 100,19 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш

даврида 151,67 ц/га ни ташкил этиб, ушбу нав 1-15 октябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 4 ва 7 вариантларга нисбатан биологик қуруқ масса тўплаши майсалаш фазасида 0,26-0,40 ц/га, тупланиш фазасида 1,05-1,62 ц/га, найчалаш фазасида 1,92-3,78 ц/га, бошоқлаш фазасида 4,48-8,15 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 7,80-13,88 ц/га гача юқори бўлганлиги аниқланди.

“Фарход” нави уруғлари 15-сентябр муддатида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ экилган 2-вариантда қўчатларнинг биологик қуруқ масса тўплаши ривожланиш фазалари кесимида ўрганилганида, майсалаш фазасида 5,59 ц/га, тупланиш фазасида 17,73 ц/га, найчалаш фазасида 41,31 ц/га, бошоқлаш фазасида 110,27 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 165,83 ц/га ни ташкил этиб, ушбу нав 1-15 октябр муддатларида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 5 ва 8 вариантларга нисбатан биологик қуруқ масса тўплаши майсалаш фазасида 0,39-0,68 ц/га, тупланиш фазасида 1,26-2,04 ц/га, найчалаш фазасида 2,25-4,22 ц/га, бошоқлаш фазасида 5,03-9,40 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 8,65-15,40 ц/га гача юқори бўлганлиги қайд этилди.

“Фарход” нави уруғлари 15-сентябр муддатида гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ экилган 3-вариантда қўчатларнинг биологик қуруқ масса тўплаши ривожланиш фазалари кесимида таҳлил қилинганида эса, майсалаш фазасида 5,95 ц/га, тупланиш фазасида 18,95 ц/га, найчалаш фазасида 44,62 ц/га, бошоқлаш фазасида 118,96 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 178,49 ц/га ни ташкил этиб, ушбу нав 1-15 октябр муддатларида гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 6 ва 9 вариантларга нисбатан қўчатларнинг биологик қуруқ масса тўплаши майсалаш фазасида 0,51-0,90 ц/га, тупланиш фазасида 1,51-2,58 ц/га, найчалаш фазасида 2,61-4,98 ц/га, бошоқлаш фазасида 5,81-10,57 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 9,39-16,71 ц/га гача юқори бўлганлиги маълум бўлди.



1-расм. Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини тритикале навларида барг сатҳининг шаклланишига таъсири (2021-2024 йй.)

Тажрибада ўрганилган кузги тритикаленинг “Норман” нави уруғлари экилган вариантларда ҳам юқоридаги қонуниятлар такрорлангани ҳолда юқори биологик қуруқ масса уруғлар 15-сентябр муддатида экилган вариантларда аниқланди.

Жумладан, уруғлар 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ экилган 10-вариантда кўчатларнинг биологик қуруқ масса тўплаши ўрганилганида, майсалаш фазасида 5,22 ц/га, тулланиш фазасида 16,66 ц/га, найчалаш фазасида 37,87 ц/га, бошоқлаш фазасида 101,53 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 153,76 ц/га ни ташкил этиб, ушбу нав 1-15 октябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 13 ва 16 вариантларга нисбатан биологик қуруқ масса тўплаши майсалаш фазасида 0,29-0,45 ц/га, тулланиш фазасида 1,11-1,66 ц/га, найчалаш фазасида 2,07-3,84 ц/га, бошоқлаш фазасида 4,66-8,42 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 7,94-14,09 ц/га гача юқори бўлганлиги кузатилган бўлса, уруғлар 15-сентябр муддатида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 11-вариантда кўчатларнинг биологик қуруқ масса тўплаши майсалаш фазасида 6,11 ц/га, тулланиш фазасида 18,15 ц/га, найчалаш фазасида 42,15 ц/га, бошоқлаш фазасида 113,04 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 170,83 ц/га ни ташкил этиб, ушбу нав уруғлари 1-15 октябр муддатларида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 14 ва 17 вариантларга нисбатан биологик қуруқ масса тўплаши майсалаш фазасида 0,44-0,74 ц/га, тулланиш фазасида 1,35-2,15 ц/га, найчалаш фазасида 2,35-4,30 ц/га, бошоқлаш фазасида 5,20-9,65 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 8,75-15,62 ц/га гача, уруғлар 15-сентябр муддатида гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ экилган 12-вариантда кўчатларнинг биологик қуруқ масса тўплаши майсалаш фазасида 6,29 ц/га, тулланиш фазасида 19,43 ц/га, найчалаш фазасида 45,07 ц/га, бошоқлаш фазасида 121,76 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 182,71 ц/га ни кўрсатиб, ушбу нав уруғлари 1-15 октябр муддатларида гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 15 ва 18 вариантларга нисбатан кўчатларнинг биологик қуруқ масса тўплаши майсалаш фазасида 0,56-0,96 ц/га, тулланиш фазасида 1,58-2,65 ц/га, найчалаш фазасида 2,68-5,08 ц/га, бошоқлаш фазасида 6,02-10,71 ц/га, пишиш фазасининг мумпишиш даврида 9,51-16,88 ц/га гача юқори бўлганлиги қайд этилди.

Олинган натижалардан кўриш мумкинки, ҳар икки навда ҳам бир хил қонуният сақлангани ҳолда уруғлар барча уруғ экиш меъёрларида 15-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, мумпишиш даврида 1-октябр муддатига нисбатан “Фарход” навида 7,80-9,39 ц/га гача, “Норман” навида 7,94-9,51 ц/га гача, 15-октябр муддатига нисбатан “Фарход” навида 13,88-16,71 ц/га гача, “Норман” навида 14,09-16,88 ц/га гача юқори натижа кўрсатганлиги маълум бўлди.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов. Ўсимликшунослик // Ўқув қўлланма. Тошкент-2006. 147-б.
2. Р.И.Сиддиқов, С.О.Абдурахмонов, И.И.Абдуллаев. Хоразм вилояти шароитида бошоқли дон экинларини етиштириш технологиялари // Тавсиянома, Андижон-2022. 18-20-б.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари // Услубий қўлланма. Тошкент-2007. 187-192-б.
5. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. Ташкент, СоюзНИХИ, 1963. С. 265–341.